

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 90 (10.899)

Баҳоси эркин нархда

ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак

Хотира ва Қадр. Халқимизга хос юксак инсоний фазилатлар ифодаси бўлган бу муқаддас калом ва эзгу тушунчалар Мустақиллик шарафати ва Юртобшомиз ташаббуси билан бундан саккиз йил илгари қайта тикланди, лугатимиздан муқим жой олди, мазмунан янада бойиди. Улар замиридаги инсон ботиний дунёсига дахлдор энг олижаноб туйғуларнинг моҳияти ва аҳамияти гоят теранлашди.

Эндиликда Хотира деганда, аввало, биз бу дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чирогини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Қадрлаш дегани — она дийримизни, халқимизнинг озодлик ва истиклолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизга муносиб ҳурмат ва эҳтиром курсатиш демакдир. Бошқача айтганда, ҳаётнинг кўплаб синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун жон олиб, жон берган, бугун эса кексалик гаштини сураётган меҳрибон ота-боболаримизни, мунис момоларимизни эъзозлашдир.

Хозир мамлакатимизда 2,8 миллион пенсионер, шу жумладан, 18 минг нафардан зиёд иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ноғирони, 227 минг нафардан ортиқ фронт орти меҳнат фахрийси истикомат қилади. Шулардан 2,6 минг нафари 100 ва ундан юқори ёшдаги нуруний отахон ва онахонлардир.

Халқимизда "Қариси бор уйнинг — париси бор", "Қарияли уй — мактаб", "Ҳар кексада — бир нақл" сингари пурмаъно ҳикматлар бисёр. Президентимиз ана шу муътабар отахону онахонларни фариштага қиёслар экан, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, эъзозлаш, авайлаш, бошимизга кўтариб яшашимиз муқим эканини таъкидлади. Жойлардаги раҳбарлар, "Камолот" фаоллари ёшлар билан ҳамжиҳатликда ҳар бир кекса ҳамюртимизнинг ҳолидан хабар олиши, айнаи ҳолда уларни фақат йўқлаш билангина чеklangмай, балки вилоятлар марказларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан таништирилиш, улар билан расмиётликдан тамомилла узоқ бўлган самимий мулоқотлар уюштириши — ана шу инсонларни ҳақиқий қадрлаш, демакдир.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак. Юртобшомизнинг ўтганлар хотирасини ва жони омонлар қадрини улғулашга қаратилган бу дъавати жамиятимизнинг

савоҳат устунларини янада мустаҳкамлади. Юртимизда тинчлик ва осойишталик баробарида, инсон хотираси ва қадрининг шундай юксак даражада улғуланаётгани фарзандларимиз учун тенгсиз сабоқ ва муносиб ибратдир.

Дахлдорлик масъулияти

Хотира, Қадр тушунчаларига ёндашувга бу қадар эътибор қаратилаётганининг яна бир жиҳати бор. Маълумки, дунёнинг турли ҳудудларида ҳамон зулм ва зўравонлик ҳукмрон, уруш оловлари ёнмоқда. Минтақамиз ҳам бундай таҳдидлардан, афсуски, холи эмас. Жаҳондаги нотинч вазият ва урушлар ҳақиқи равишда дунё аҳлини ташвишлантираётир.

Президентимиз айтганидек, уруш ҳеч қачон, ҳеч кимга фойда, наф қилмаган. Савол туғилади: у ҳолда нимага бугунги кунда ҳам урушлар давом этяпти? Нима учун урушга интилаётганлар, уни бошлаётганлар қамаймапти?

Булар — оддий, шунчаки саволлар эмас, аксинча, гоят ҳаётий ва ўткир саволлардир. Урушни ким бошлайди? Албатта, аввалдан бор, уни муайян манфаатдор кучлар, ёруғ кунларни кўра олмайдиган ичи қоралар бошлайди. Лекин ундан оддий халқ жабр кўради, миллионлаб бегуноҳ кишилар азият чекади. Ачинарлиси шундаки, нафақат урушга гувоҳ бўлган авлод, балки бир неча кейинги авлод ҳам ана шу уруш азобини чекиб кун кўришга мажбур бўлади.

Урушларнинг, мусибатларнинг олдини олиш учун халқимиз биз қандай тарихий шароитда, мураккаб замонда яшаётганимизни яхши англаши, вазиятга тўғри баҳо бера олиши даркор. Энг муҳими, Президентимиз уқтирганидек, жаҳон майдонида халқаро ҳавфсизлик масаласи билан боғлиқ мутлақо янги тенденция ва вазиятлар, янги таҳдидлар пайдо бўлаётганини ҳар биримиз теран англаб, чуқур ҳис қилиб, айнаи ҳолда, ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз, ҳар қайси юртобшимиз ана шу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини онг-шууридан яна бир ўтказиши даркор.

Ислол Каримов алоҳида таъкидлаганидек, кечаги кундан асосли хулосалар чиқармай, тегишли сабоқ олмай, бугун атрофимизда руй бераётган турли воқеаларга тўғри ва муносиб баҳо бермасдан, кечаётган жараёнларга ўзининг дахлдор эканини ҳис қилмай, "бу муаммоларга менинг дахлим йўқ, улар ҳақида ўйлаш менинг ишим эмас, бошқалар бош қотирсин", деган тушунча билан яшаш, лоқайд бўлиш вақти аллақачон ўтиб кетган.

Дунёда текин ва холис нарса-нинг ўзи йўқ. Бировнинг марҳаматию маслаҳатига учиб эмас, аксинча, фақат ўз куч-қудратимизга, салоҳиятимизга, миллий қадриятларимизга, имон-иродамизга таяниб иш кўришимиз лозим. Чунки XXI аср бошида — турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўрта-сидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайиши жараёнида, яъни глобаллашув замонида яшаймиз.

Бугун наинки юртимизнинг, балки дунёнинг у чеккасида бу чеккасига қадар — бир қадам. Бугун девяри ҳар бир хонадонда, ўқув даргоҳида, корхонада, кўча-кўйда — интернет-кафедрларда замонавий компьютерлар бор ва улар Интернетга уланган. Демак, ҳар қандай хабарни тезкор узатиш ва ўз вақтида қабул қилиш имконияти мавжуд. Эндиликда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари шарофати туфайли инсон ўз уйда ўтирганича дунёнинг турли чеккаларида қандай воқеа-ҳодисалар юз бераётганини нафақат эшитиш, айнаи ҳолда кўриб-кузатиш имконига эга. Бир сўз билан айтганда, глобаллашув даврининг ҳосияти шуки, одамзот Оллоҳ инъом этган неъматларидан фойдаланган ҳолда, мазмунли яшаш учун барча шарт-шароит муҳайё.

Лекин айнан глобаллашув баҳонасида дунёнинг нариги четиде жойлашган қайсидайдир давлат дунёнинг бериги бетидеги қайсидайдир мамлакатга сиёсатини ўтказишга, уни ўзига тобе қилиб олишга интиломоқда. Бунда ўша халқнинг на миллий қадриятлари, на урф-одатлари эътиборга олинмапти ва на ўша юрда яшайдиган инсонларнинг дину дёнбана, имон-эътиқоди, хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашляпти. Худдики, "Давринг келди — сур, бегим" қабилдаги ана шу ўзравонларча ёндашув — глобаллашув замонининг энг катта ҳавф-хатарига айланади. Бошқача айтганда, дунёдаги айрим қудратли давлатлар баъзи халқларни ўзига бўйсундириши, ўз измига солиши истайдди.

Мабодо ўша озод халқ, эркин мамлакат бунга кўнмаса-чи? У ҳолда чора дарров топилади — бунинг учун шу халқ ва мамлакатга кейинги пайтда урфга айланган бир қатор "айблар" ёпиштирилади. Яъни, демократияга қарши ҳам, инсон ҳуқуқларини поймол қилаётган ҳам, оммавий ахборот воситалари эркинлигини бўғайтган ҳам ўша — тобе бўлишни истамаган халқ, мамлакат бўлиб чиқади.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

«Пойабзалчи» акциядорлик жамиятида тайёрланаётган оёқ кийимларининг янги моделдаги турлари хариддорлар талабига жавоб беради. Ана шундай сифатли пойабзалларни ишлаб чиқаришда корхона мутахассисларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.



СУРАТЛАРДА: тикувчи Дилорда Холқова; цехлардаги қизгин иш жараёни.

Аъло Абдуллаев олган суратлар.



Кекса сатрларда

● **ЎТГАН** кунни Учтепа туманидаги «Журжоний» спорт соғломлаштириш мажмуасида оилавий жамоалар ўртасида уюштирилган спорт мусобақалари «Отам, онам ва мен» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Шошилинч Тез ёрдам марказида тиббиёт ҳамшираларининг малакасини оширишнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган анжуман Халқаро ҳамширалар кунини муносабати билан уюштирилди.

● **КАМОЛОТ** — ЕИҲ Маркази

Кенгашида ўтказилган тadbирда Республика «Истеъдод» жамғармаси томонидан уюштирилган ўқув курси битирувчиларига сертификатлар топширилди.

● **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида санъат илҳомдорларига Валижон Умаров режиссёрлигида тайёрланган «Увайсий» спектакли намойиш этилади. Бош ролни Саида Раимова ижро этган.

● **ЎТГАН** кунни Давлат солиқ қўмитаси қошидаги Солиқ академиясида Фидокорлар миллий демократик партияси ҳамкорлигида ўтказилган тadbир «Баркамол авлод — миллат таянчи» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ

ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Азиз ҳамкасблар! Ўтган йил мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин эгаллади.

Мамлакатимиз ижод аҳли халқимиз эришаётган ютуқларни, ўй-мақсадларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бордилар. Табиийки, бу ишлар газет ва журналлар саҳифаларида, телекўрсатувлар ва радиозангорида, янги-янги чиққан китоблар саҳифаларида ўз аксини топди.

ОАВда меҳнат қилаётган азиз ҳамкасблар, жамоатчи муҳбирлар,

сизларга «Йилнинг энг фаол журналисти—2006» танлови давом этаётганини маълум қиламиз. Танловга 2006 йилда эълон қилинган ижодий ишлар ҳавола этилади.

Ҳақдор аънавий касб байрамимиз—матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини—2007 йил 27 июнь арафасида аниқланиб, рўйхати матбуотда эълон қилинади. Ҳолиблар мукофотлар билан тақдирландилар.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишлар тахририят тавсияси билан Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлими орқали топширилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони ва манзили ҳақидаги маълумот ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

Танловга материаллар шу йил 10 июнгача қабул қилинади. Материаллар қуйидаги манзилга юборилсади: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30,35,37-хоналар. Телефонлар: 144-64-62, 144-64-61, 144-37-87. Факс: 144-69-65. E-mail: ijod@sarkor.uz www.Journalist.uz

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛ 23 ЯНВАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚАРОРИДА КЕКСАЛАРГА, ФАХРИЙЛАР ВА ПЕНСИОНЕРЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, УЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ, МУҲТОЖЛАРГА БЕГАРАЗ ЁРДАМ КЎРСАТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНГАН. БУНДАЙ ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССА ҚўШАЁТИР.

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

БОҒДА ЎТГАН УЧРАШУВ

Пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган хайрия тadbирини ана шундай эзгу ишлардан бири бўлди. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан қатор муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тadbирга мингга яқин уруш ва меҳнат фахрийси, ёлғиз кексалар, ноғиронлар ҳамда ижтимоий кумакка мутож инсонлар тақлиф қилинди.


Пойтахтимизнинг Қўйлик даҳонасида истиқомат қилувчи Евгения Ким — улардан бири. Онахонинг айтишича, Иккинчи жаҳон уруши йилларида оиласи Кореядан Ўзбекистонга эвакуация қилинган ва икки ёшли гўдак бўлган экан.

— Ўзбекистон — менинг она-Ватаним, — дейди у. — Чунки, шу юрда яшаш, шу халқ — ўзбекларнинг меҳр тафтида улғайдим. Бугун кексайиб, ёлғиз қолганимда ҳам

ана шундай эътибор, гамхўрликдан баҳраманд бўлаётганимни ушбу заминда яшаётган халқнинг тантилиги, олижаноблигини деб биламан.

Нуруний отахонлари онахонлар, кам таъминланганлар шарафига концерт дастур ва тўкин дастурхон уюштирилиб, Республика кўчирчоқ театри жамоасининг спектакли намойиш қилинди. Совгалар улашилди.

Жасур КЕНГБОВЕВ, ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қаршида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси IV Курултойи ва Республика уюшмалараро конференцияси қарорларини бажариш борасида Қорақалпоғистон Республикаси касабаси уюшма ташкилотларида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги маसала кун тартибидан ўрин олди.

● «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент телеграф-телефон» станцияси филиалида алоқачилар касба байрами ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан тadbир уюштиришди. Унга 300 нафарга яқин собиқ ҳамкасблар тақлиф этилди.

● Жаҳон банки томонидан молиялаштирилаётган «Жанубий Қорақалпоғистонда дренаж ва ирригация инфратузилмасини реконструкция қилиш ва зах ерларни тиклаш» лойиҳаси мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилмоқда. 2004-2010 йилларга мўлжалланган лойиҳанинг умумий қиймати 75 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, у Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги қошида тузилган махсус гуруҳ томонидан тadbир этиляпти.

● Пойтахтимизда «Республика болалар кутубхонасини аудиовизуал усуналар билан таъминлаш» лойиҳаси тақдими бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳа Япония ҳукуматининг маданият соҳасидаги беғараз ёрдами дастури доирасида амалга оширилиб, умумий қиймати 28,6 миллион иен (240 минг АҚШ доллари) ни ташкил этади.

● Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Фотон» акциядорлик жамиятида экспорт ҳажмини ошириш, махсулотнинг харидорлар турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида изланишлар олиб борилоқда. Айнаи пайтда корхонада Жанубий корейлик инвесторлар билан ҳамкорликда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан лойиҳалар устида ишланмоқда.

● Андижонда «Олтинқўлтэкстиль» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ишга тушди. АҚШдаги «Евро-Англо» компанияси билан биргаликда тўғридан тўғри киритилган 3 миллион 200 минг доллар ҳажмидаги инвестиция ҳисобига Тайвань ва Туркиядан келтирилган замонавий тўқув, бўяш, қуриштириш дастгоҳлари ўрнатилиб, 224 та янги ишчи ўринлари яратилди.

● Чирчиқ шаҳридаги Олимпиа захиралари касба-хунар коллежида «Маҳорат—2007» кўргазмаси ташкил этилди.

● Жиззах Давлат педагогика институтини хузуридаги 350 ўринли академик спорт мактабининг янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Иншоотни «Камол» кўп тармоқли хусусий фирмаси қурувчилари замонавий меъморчилик талаблари асосида бунёд этди.

● Шу йил 16-19 май кунлари Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Семурғ» болалар соғломлаштириш оромгоҳида республика «Камалак» болалар ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди. Ушбу анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар болалар ташкилоти конференцияларида сайланган 320 нафар делегатлар қатнашди.

ЖАҲОНДА

● АҚШ Конгрессининг қуйи —Вакиллар палатаси Американинг Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий амалиётларини икки босқичда амалга ошириш учун овоз берди. Ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаб, 221 конгрессмен овоз берди, 205 нафари эса қарши чиқди.

● Туркияда сиёсий вазият ўзгаришларга юз тутмоқда. Шу пайтгача давлат раҳбари парламент томонидан сайланарди. Эндиликда эса умумхалқ сайловлари орқали сайланиши мумкин. Негаки мамлакат парламенти ана шу мақсадда Конституцияга ўзгаришлар киритди.

● Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Англиянинг Шимоли шарқидеги Сежфилд округида ўз сайловчилари билан учрашиб, шу йил 27 июнда бош вазирлик лавозимидан ва лейбористлар партияси етакчилигидан истеъфога чиқиши ҳақида эълон қилди. Энди етти ҳафта мuddат ичида лейбористлар ўзларига янги етакчи сайлашлари лозим. Партия етакчиси эса автоматик равишда бош вазирлик курсисини эгаллайди.

● Папуа-Янги Гвиненнинг Бугенвил оролида автомобиллар эндиликда дизел ёнилғисидан эмас, балки кокос мойидан ҳаракатга келяпти. «ВВС»нинг хабар беришича, оролда кокосларни қайта ишлайдиган махсус завод қурилган. Шунинг учун автомобиль ёнилғиси уларга арзонга тушмоқда.

● Америкалик биолог Жель Атема яқиндагина акула устида гаройиб тажрибани амалга оширди. Яъни у денгиз қироли ҳисобланган акулани ўз амрига бўйсундира олди. У акулани иккита тугмача орқали ўнг ёки чап томонга бошқарди.

● Дунёнинг қатор давлатлари лойиҳаси асосида сувда сузувчи университет барпо этилди. АҚШ, Австралия, Хитой, Мексика, Марокаш, ЖАР, Буюк Британия университетлари ҳамийлиги остида бунёд этилган «The Scholar Ship» деб номланган ушбу сузувчи университетда дарслар шу йилнинг 5 сентябридан бошланади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Эътироф

Этилган ҳақиқат

Бундай ноҳолис сиёсатга ўз тарихимиздан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, 2005 йилнинг май ойида содир этилган Андижон воқеаларини олайлик.

Ўтган даврда юртимиз, халқимиз шаънига қанчадан-қанча бўҳтон, фиск-фасод, тахкиру ҳақоратлар ёғдирилмади, дейсиз. Лекин, вақт — олий ва одил ҳакам. Орадан икки йил ўтди ва бугун ҳаммаси жой-жойига тушди — буларнинг барчаси атайлаб уюштирилган уйдирмалар эканини ўша кирдикор эгаларининг ўзлари ҳам тан олмади. Халқимиз Президент Ислоҳ Каримов раҳбарлигида танлаган тинчлик, ҳамкорлик ва миллий тараққиёт йўли энг тўғри йўл эканини бутун дунё яна бир бор эътироф этмоқда. Ўша тахликали кунларда халқимиз парокандаликка тушмай, ўз

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!

Аммо ўз гаразли манфаатлари йўлидан уруш ва парокандалик оловини яна ёқишга уринаётган кучлар бугун ҳам йўқ эмас. Улар ўз мақсади йўлида ҳар хил найранглари ишга солаётди. Хотира ва Қадрлаш тушунчалари бугунги кунда тагин-да чуқурроқ аҳамият касб этаётганининг яна бир сабаби шундаки, инсонга меҳр кўрсатиш, уни улуғлашга қаратилган ушбу аъмоллар бизни ана шундай кучларга нисбатан сезгир ва ҳушёр бўлишга, кечаги кун жароҳатларидан сабоқ чиқаришга ундайдир.

ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Бу борада, айниқса, буюк келажак эгалари — навқирон авлод зиммасидаги масъулият гоят каттадир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, аввалмбор, ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз ўз иродасини чиниктириши, имони бут бўлиши, халқимизнинг кечаги ҳаётини, яқин тарихимизни, бугунги кунимизни пухта ўрганиши, нафақат ўрганиши, балки онг-шууридан, қалбидан ўтказиши шарт. Ҳа, айнан халқимизнинг яқин ва олис тарихини чуқур билиш — энг муҳим масала. Бунинг учун мамлакатимиздаги кутубхона ва архивлар билан чекланмай, аксининг билимларни эгаллашга, тубхона архивларини ҳам атрофлича ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекининг гурури, фахри, аввалмбор, ўз ота-болалари тарихини яқин билиши-

ворисларимиз. Биз ўшаларга муносиб бўлмоғимиз зарур. Ҳадемай юртимизда Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллиги кенг нишонланади. Ўтган даврда мамлакатимизнинг демократик аниқлаши ва эркин ижтимоий тузумга хос барча асосий қадриятларни ўзида муҷассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳеч қандай куч тўхта олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланади. Бугунги кунда ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида ўз тасдиғи ва исботини топган, эътироф этилган ушбу ҳақиқатни Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида халқимиз танлаган йўл — тараққиётнинг ўзбек модели, жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёнлари амалда ўзини оқлаётгани ҳам, ҳаётбахш ислохотларимиз бераётган юксак самаралар ҳам яқоқол тасдиқламоқда.

Бунинг учун муҳим масала. Бунинг учун мамлакатимиздаги кутубхона ва архивлар билан чекланмай, аксининг билимларни эгаллашга, тубхона архивларини ҳам атрофлича ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекининг гурури, фахри, аввалмбор, ўз ота-болалари тарихини яқин билиши-ворисларимиз. Биз ўшаларга муносиб бўлмоғимиз зарур. Ҳадемай юртимизда Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллиги кенг нишонланади. Ўтган даврда мамлакатимизнинг демократик аниқлаши ва эркин ижтимоий тузумга хос барча асосий қадриятларни ўзида муҷассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳеч қандай куч тўхта олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланади. Бунинг учун муҳим масала. Бунинг учун мамлакатимиздаги кутубхона ва архивлар билан чекланмай, аксининг билимларни эгаллашга, тубхона архивларини ҳам атрофлича ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекининг гурури, фахри, аввалмбор, ўз ота-болалари тарихини яқин билиши-

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Фан-техника юксак тараққиёт этган Японияда истикомат қилувчи Кискацу Сато исми олим антиқа кашфиёт қилганини фахр билан айтмоқда. Унга мурожаат этган мижозларнинг миясига компьютер орқали таъсир кўрсатиб, 250 йил аввалги воқеаларни бир лаҳзада эслай олувчи буюк материаллар тарихчиларга айлантириб қўяди. Бу операциянинг нархи унчалик қиммат эмас. Бор-йўғи 25 минг доллардан 150 минг долларгача ҳоло.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ЙИЛЛАРИДА ТАСДИҚЛАНГАН БИР ҚАТОР ЯНГИ ҚОИДАЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНИШГА ОИД ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 1997 ЙИЛ 25 АПРЕЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИНГ МАҚСАДИ ҲАМ МИЛЛИЙ ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИ САҚЛАНИШИНИ, ЭНЕРГИЯДАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН УМУМИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИ ШАҚЛАНТИРИШДАН ИБОРАТДИР.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ёқилғи қазиб олиш, ёқилғи, иссиқлик ва электр энергияси ҳосил қилиш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, тақсимлаш ва сарфлаш билан боғлиқ фаолияти ушбу қонун амал қиладиган соҳа ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 15-моддасида қуйидагилар белгилаб қўйилган:

— ҳосил қилинадиган ва сарфланадиган энергия жами ҳажми албатта ҳисобга олинади; — энергияни ҳисобга олиш норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Энергия ҳисоби тўғри юритилиши учун жавобгарлик қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ёки шунга ваколат берилган бошқа шахсларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистонимизда ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектлари ва касаначилик фаолиятининг ривожланишига кенг йўл очиб берилган, лекин баъзи тирноқ ичидаги «ишбилармонлар» халқимиз бойлиги саналган электр энергиясидан ноқилона фойдаланиш ва ҳатто электр энергиясидан электр ҳисоблагичсиз ўғринча фойдаланиш ҳолатларига йўл қўймоқдалар. Фикримизнинг далили сифатида қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги ХТ «Валишев»га тегишли тикув ва мебель цехидаги умумий қуввати 21,7 кВт электр қурилмалар электр ҳисоблагичдан ташқари ўғринча тармоққа улаб олингани аниқланди. Сергели туманидаги Саъдий кўчасидаги «Мўйна» ХК электр ҳисоблагичнинг уланishi схемаси бузилган, шу тумандаги «Бек шанс» МЧЖнинг дўконида электр ҳисоблагич бутунлай ўрнатилмаган, Миробод туманидаги Мироншоҳ кўчасида жойлашган «Тор-бат» фирмасидаги электр ҳисоблагичнинг уланishi схемаси бузилган, Миробод тумани Кўйлик-1 даҳасидаги «Журабек-плюс» МЧЖда куннинг ёруғ вақтида электр ёриткичлардан беҳуда фойдаланиш ҳолати аниқланди. Мазкур қоидабузарларга нисбатан белгиланган тартибда жазо чоралари қўрилди.

Шу ўринда «Ўздавлатэнергозорат» давлат инспекцияси томонидан энергетика масалалари бўйича ўтказилаётган мониторингларда ҳамда оммавий ахборот воситаларида чиқишларда, ҳўжалик йирутувчи субъектларга, кичик бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорларга, яқна тартибдаги тадбиркорлик субъектларига электр энергиясидан фойдаланишга оид ва электр энергиясини тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича, электр қурилмаларнинг техник ҳолати белгиланган қоидаларнинг талабларига жавоб берадиган даражадалигига ва электр энергиясидан фойдаланишда хавфсизлик техникаси талабларини бажаришга қаратилган тавсиялар берилиб ўқув-семинарлар ўтказилмоқда ва уларга бу масалалар бўйича амалий ёрдам берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларининг бажарилиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки ҳозирги кунда аксарият истеъмолчиларда фойдаланилаётган ҳисобга олишининг маънавий эскирган индукцион приборларини замонавий электрон электр ҳисоблагичларга алмаштиришни таъминлаш долзарб масала бўлиб турибди. Фойдаланилган электр энергия сарфини аниқ ўлчашда бу қарор талабларининг тўлиқ бажарилиши муҳим ўрин тутди. Бир қатор ишлаб-чиқариш қорхоналарида «Ўздавэнергозорат» инспекциясининг тавсиясига қўра ўрнатилган актив ва реактив энергияни, шунингдек, максимал қувватни бир вақтда ўлчаш ва назорат қилиш имконини бериувчи кўп функцияли электрон ҳисоблагичлар тизими ўрнатилиши «Тошкент ёғ-мўл комбинати» ОАЖ, «Кокка-кола ичимлиги» кўшма қорхонаси, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ДУК каби қорхоналарда технология жараёнлардаги электр энергия сарфини компьютер орқали бошқариш ва кузатиш имконини берди ва электр энергияси сарфини ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бирлигига нисбатан олинган таннархининг кескин қисқартирилишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларининг бажарилиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки ҳозирги кунда аксарият истеъмолчиларда фойдаланилаётган ҳисобга олишининг маънавий эскирган индукцион приборларини замонавий электрон электр ҳисоблагичларга алмаштиришни таъминлаш долзарб масала бўлиб турибди. Фойдаланилган электр энергия сарфини аниқ ўлчашда бу қарор талабларининг тўлиқ бажарилиши муҳим ўрин тутди. Бир қатор ишлаб-чиқариш қорхоналарида «Ўздавэнергозорат» инспекциясининг тавсиясига қўра ўрнатилган актив ва реактив энергияни, шунингдек, максимал қувватни бир вақтда ўлчаш ва назорат қилиш имконини бериувчи кўп функцияли электрон ҳисоблагичлар тизими ўрнатилиши «Тошкент ёғ-мўл комбинати» ОАЖ, «Кокка-кола ичимлиги» кўшма қорхонаси, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ДУК каби қорхоналарда технология жараёнлардаги электр энергия сарфини компьютер орқали бошқариш ва кузатиш имконини берди ва электр энергияси сарфини ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бирлигига нисбатан олинган таннархининг кескин қисқартирилишига эришилди.

Туроб ҲАПИЗОВ, «Ўздавэнергозорат» инспекциясининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи. Эҳсон УСМОНОВ, «Ўздавэнергозорат» инспекциясининг етакчи муҳандиси.



Яқиндагина очилган замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган 39-ойливи поликлиника хизматидан шахримиз аҳолиси мамнун бўлмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЗНЕС-ФОРУМИ

ХОРИЖЛИК КОРЕЙС БИЗНЕСМЕНЛАРИ УЮШМАЛАРИ УМУМЖАҲОН ФЕДЕРАЦИЯСИ РАИСИ, КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯСИ ДЕПУТАТИ КИМ ДОГ РЕНГНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШИРФИ ДОИРАСИДА 8 МАЙ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда ташқи иқтисодий алоқалар, иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт коммуникациялари, сайёҳлик соҳалари учун маъсул вазирлик ва идоралар, қатор компания ва концернлар раҳбарлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ҳам муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси мамлакатимизнинг ишончли ҳамкорларидандир. 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбомулаш ҳажми 600 миллион АҚШ долларидан ошди, 2007 йилнинг январь-март ойларида эса 151,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда корейлик сармоядорлар иштирокида тузилган икки юздан ортиқ қўшма қорхона ҳамда олтимишга яқин Жанубий Корея фирм ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, енгил, кимё ва озиқ-овқат саноати, металлни қайта ишлаш, қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, электротехника, соғлиқни сақлаш ва сайёҳлик каби соҳаларда иш юритади. — Жанубий Корея Ўзбекистонни ўзининг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан деб билади, — деди Ким Доғ Рёнг. — Бугунги учрашудан мақсад савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, гуманитар ва бошқа қўллаб соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат. Мулоқотлар ўзаро манфаатли келишувлар билан якунланиши ва тез орада самара бер

«Камолот»

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН 2007 ЙИЛ— «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИБ, ДАВЛАТ ДАСТУРИ АСОСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ҲАМДА АҲОЛИНИНГ ЁРДАМГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИГА КўМА БЕРИШ БОШ МАҚСАД ҚИЛИБ БЕЛГИЛАНДИ.

Барчамизга маълумки, ўзбек халқи азалдан имконияти чекланганларга, муҳтожларга қўлидан келганча ёрдам бериб келади. Мана шу миллий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда, қўлаверса, «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури ижроси йўлида Тошкент Давлат шарқшунослик институти Халқаро алоқалар ва иқтисод факультети «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилоти ташаббуси ва «Дурбону плюс» масъулияти чекланган жамияти ва Тошкент ҳайвонот боғи ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида жойлашган меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун «Болалар камалаги» лойиҳаси ташкиллаштирилди. Энг аввало болажонлар

камалакнинг етти ранги бўйича етти жамоага бўлиниб олдлар. Жамоаларни фарқлай олиш учун эса уларга етти камалакнинг ранги бўйича қўл бойлогичлар берилди. Лойиҳа уч босқичдан иборат бўлиб: 1-босқичда иштирокчилар ёш эстрада юлдузлари билан ҳайвонот боғи бўйлаб саёҳат қилдилар. Уларга санъаткорлар богдаги жонзотлар тўғрисида маълумот беришди. 2-босқичда, болажонлар саёҳат давомида қувноқ бекатларга дуч келдилар, бекатлар сони бешта бўлиб, улар «Ўзбекистон», «Спорт», «Экология», «Камолот» ва «Тоғишмоқлар» деб номланган бекатлардан иборат эди. Ушбу бекатга болажонлар етиб келишганда, уларга ўтандан саволлар берилди. Топилган тўғри жавоб учун жамоаларга юқори балл берилди. 3-босқичда болажонлар «Менинг орузим» мавзuida асфальтга расм чизиб иктидорларини намойиш этишди. Иштирокчиларга «Дурбону плюс» масъулияти чекланган жамияти томонидан ширинлик ва музикалар берилди. Тадбир сўнгида ёш эстрада хонандалари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди. Ҳали жамоалар фарҳирий ёрлик ва совғалар билан тақдирландилар.

«Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурини амалга ошириш доирасида Мирзо Улуғбек туманидаги 105-ёрдамчи мактаб-интернатда бўлиб ўтди. Бу тадбир Мирзо Улуғбек туман маданияти ва спорт бўлими, Жисмоний тарбия институти ва «Камолот» ЕИХ туман бўлими ташаббуси билан амалга оширилди. Болажонларга бир олам оевинч бағишлаган ушбу тадбирда санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар янгради. Чиройли байрам дастурини тўзалиб, мактаб-интернат тарбияланувчиларига эсдалик совғалари топширилди. Ноҳира НИЗАМОВА, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходими

Ана шундай хайрия тадбирларидан яна биттаси

ОЗ-ОЗ ЎНГАНИШ ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН—ХИКМАТ БУСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Гар гилайлик кетса, кўзлар яшнагай, Икки-учмас, бир демоққа бошлагай.

Унгаким, жони куларкан мисли қанд, Халқ агар бужмайтса афтин, не писанд.

Тунда ой балқиб, сочаркан нури пок, Хурса итлар гоҳ-гоҳида, не бок?

Ит бажо айлади итлик шевасин, Ой эса сочгай жаҳонга шуъласин.

Ҳар киши айлайди ўз бурчин адо, Хору хас деб сувни тарк этмас сафо.

Хору хас кетгай сув узра хас мисол, Сув эса бўлгай яна оби зиллол.

Қисмати тирноқча, лекин хирси тоғ.

Нафс итинг ўлдир, биродар, кўлни юв, Ул сенинг жонингга душмандир, адув.

Ул нечук кўздир, сўқир, зорманда ул, Имтиҳонларда нукул шарманда ул.

Бокки, янглишдир гумонлар гоҳ-гоҳ, Гар гумон кўр эрса, бу қандоқ бало?

Ёш тўқарсен бошқалар деб, кўз, нечук? Кел, ўзинг-чун бир нафас кўз ёши тўқ.

Йиғласа кўк, сабзалар яшноқ эрур, Шам агар ёш тўкса, равшанроқ эрур.

Таклид ул, ҳар яхшилиқнинг офати, Гарчи кўзга гоҳи тоғдек савлати.

Гар сўқир чин паҳлавондир, қаҳри зўр, Аслида бир халта гўшт, чун кўзи кўр.

Ўз сўзидин маст бўлиб юргай, бироқ, Чин шаробдан олису майдин йироқ.

Бир ариқдирким, сира оқмайди сув, Ўзи ичмас, бошқаларга бермас у.

Англай олгунгми, аё сен, тўқ киши, Не ўйинлар кўрсатур очлик иши?

Сийламас сўфини ҳаргиз рўзгор, Ул сабабдин сўфи эрмиш хору зор.

Ўз сўзида ул Расули Ҳақ - Эгам, Олганингни қайтариб бергил, деган.


Ким мушукларга ишонгай гўшту ёғ?

Лаънату лаънат дегум таклидга то, Таклид айлаб, ўз-ўзим этдим адо.

Кўзларинг, ақлинг, қулоғинг тоза тут, Таъма тошин парчала, отгил, унут.

Юз ҳикоят сўйлагил, кўр бандани, Бир қалом кирмас қулоғига анинг.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Келажак гулгунчаси, ҳаётимиз мазмуни — бахтиёр болажонлар.

Спорт янгиликлари

Футбол

ФАХРИЙЛАР КУЧ СИНАШИШДИ

ҲАР ЙИЛИ ШАҲРИМИЗДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ФАХРИЙЛАР ҲАТТИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ЧЕМПИОНАТИНИ ЎТКАЗИШ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ.

Жорий йилда ҳам ушбу анъана бузилмади. Шаҳримизнинг 14 та фахрийлардан таркиб топган жамоалари дастлабки тур беллашувларида куч синашишди. Куйида эътиборингизга биринчи тур натижаларини эълон қиламиз. «Динамо» — «Фахр» 3:3, «Узнефтогаз» — «Алгоритм» — 3:1, «Старт» — «Метрострой» — 3:1, «Солиқчи» — «Бектемир» — 3:0, «Шайхонтоҳур» — «Юнусобод» — 2:0, «Эски шаҳар» — «Иқтисодчи» — 1:6, «Яккасарой» — «Тошгеффест» — 0:5.

ЗАФАР ЗАФАР ҚОЗОНДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИНИНГ ЕТАКЧИ ФУТБОЛЧИЛАРИ РАҚИБЛАР ДАРВОЗАСИНИ 100 МАРТАДАН КЎПРОҚ АНИҚ НИШОНГА ОЛИБ МУХЛИСЛАРИ ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНМОҚДАЛАР. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ ВА КУБОГИ, МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОА САФИДА, ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ БАҲСЛАРИДА ЎЙИНЧИЛАР ТОМОНИДАН КИРИТИЛГАН ГОЛЛАР ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН БУ НАТИЖАГА ОЧИГИ САНОҚЛИ ЧАРМ ТЎП УСТАЛАРИГИНА САВОР БЎЛИШГАН.

Яқиндагина эса икки нафар футболчи икки юзлик довоини ҳам забт этишди. «Нефтичи», «Пахтакор», «Самарқанд-Д», «Тупалан», «Локомотив» жамоаларида ўйнаган, ўз вақтида Ўзбекистон миллий терма жамоаси шарафини ҳимоя қилган

Равшан Бозоров шу кунгача рақиблари дарво-забонларини 206 марта хато қилишга мажбур эта олган бўлса, терма жамоамизнинг ҳужумчиси, «Машъал», «Насаф» клублари шарафини ҳимоя қилган Зафар Холмуродов ёки юзичини голини нишонлади.

ЧЕМПИОННИНГ САФАРДАГИ ГАЛАБАСИ

ЎТГАН ҲАФТАНИНГ ЖУМА, ШАНБА КУНЛАРИ ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ МАМЛАКАТ XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 8-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИДА ЎЗАРО КУЧ СИНАШИШДИ.

Айтиш жоизки, бу сафар ҳам пешқадам жамоалар «Нефтичи», «Пахтакор», «Қурувчи» ўз ҳисобларига муҳим очколарни ёзиб қуйишга муваффақ бўлишди.

Сафарда «Шўртан» меҳмони бўлган пахтакорчиларга рақибларини енгиш кийинчилик тугдирмади. Маҳорат, тажриба борасида мезбонлардан ҳар томонлама устулик қилган Равшан Ҳайдаров шогирдлари учрашувда 3:0 ҳисобида галаба қозониб муҳим уч очкога эга бўлишди. Дарвозага тўллари Уче (2та) ва Гейрих йўллашди.

Олий лиганинг янги вакили «Қурувчи» мутахассислари мухлисларини ҳайратга солиб ажойиб галабалари сериясини давом эттирмоқда ва пешқадамлар сафида бориқмода. Бу сафар ўз майдонларида мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири Наманганнинг «Навбахор-Н» клуби аъзоларини қабул қилган «Қурувчи» футболчилари ҳужумкор, тезкор, комбинацион ўйин намойиш этиб рақибларини 3:1 ҳисобида мағлуб эта қилди. Дарвозаларга тўллари «Қурувчи»дан Карпенло(2та), Шишелов, «Навбахор-Н»дан Барнковлар йўллашди.

Ушбу турнирнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «Нефтичи»—«Машъал»—3:1, «Локомотив»—«Металлург»—3:3, «Тупалан»—«Бухоро»—0:0, «Насаф»—«Самарқанд-Д»—1:1, «Андижон-Уз»—«Кизилқум»—1:0, «Вобекент»—«Трактор»—2:1.

Мамлакат XVI миллий чемпионатининг 9-тур баҳслари 12, 13, 14-май кунлари бўлиб ўтади.

Волейбол

ФАХРЛИ ЎРИН

НАМАНГАНДА ВОЛЕЙБОЛ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ УЮШТИРИЛДИ.

Асосан Тошкент шаҳри ва Фарғона воҳаси вилоятлари жамоалари ўртасида кечган мусобақалар мурасасиз курашларга бой, шиддатли, қизиқарли ўтди. Шуниси эътиборлики, бош соврин учун жамоалар ўртасида ўтказилган баҳсда наманганлик ўсмирлар барча рақибларидан маҳоратли эканликларини исботлаб шох-супанинг энг юқори погонасини эгаллашди.

Ўзбекистон чемпионатининг фахрли иккинчи, учинчи ўринлари эса Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти ёш волейболчиларига насиб этди. Мусобақалар якунида голиб ва совриндор жамоалар совринлар, эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Шахмат

МАМАЖОН МУҲИТДИНОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

МАМЛАКАТИМИЗ ШАХМАТИ РИВОЖИГА КАТТА ҲИССА ҚўШГАН ИНСОН, ШАХМАТ БЎЙИЧА СПОРТ УСТАСИ, ТАРИХ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ МАМАЖОН МУҲИТДИНОВНИ ТАНИМАГАН ИНСОН ОРАМИЗДА КАМ ТОПИЛАДИ. ДАРВОҚЕ, ЎЗБЕК ШАХМАТИ ДОВРУҒИНИ ОЛАМИЗГА ЁЙГАН ГЕОРГИЙ АЪЗАМОВ, РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ, САИДАЛИ ЙЎЛДОШЕВ, АНТОН ФИЛЛИПОВ СИНГАРИ МАҲОРАТЛИ СПОРТЧИЛАР ДАСТЛАБКИ «АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ» САВОБИНИ МУҲИТДИНОВ ҚАЛАМИГА МАНСУБ ШАХМАТ БЎЙИЧА ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАРИ ОРҚАЛИ ЭГАЛЛАШГАНИ ҲАМ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС.

Шу боисми, ҳар йили шаҳримиз мактабларининг шахмат-шашкага қизиқувчи иқтидорли ўқувчилари ўртасида Мамажон Муҳитдинов хотирасига бағишланган «Шахмат — ақл гимнастикаси» деб номланган турнир ўтказиш анъанаси айланиб қолди. Зеро бундай турнирлар болалар ва ўсмирлар ўртасида шахматга бўлган қизиқишнинг ортишига сабаб бўлади.

Куни кеча Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Мамажон Муҳитдинов хотирасига бағишланган «Шахмат — ақл гимнастикаси» деб номланган турнир уюштирилди. Шаҳримиз туманлари мактабларидан келган ўқувчилар ўртасида ташкил этил-

ган шахмат мусобақалари қизиқарли кечди. Шиддатли курашлар остида ўтган баҳслар якунида биринчи ўрин Юнусобод туманидаги 235-мактаб 7-синф ўқувчиси Сардор Обидовга насиб этган бўлса, иккинчи ўринга Ҳамза туманидаги 61-мактаб 8-синф ўқувчиси Чингиз Раимбердиев муносиб деб топилди. Шунингдек, Миробод туманидаги тиббиёт коллежи ўқувчиси Малика Юсуфхўжаева учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида голиб ва совриндорларга эсдалик совгалари топширилди, аттракционлардан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўқув машғулоти

ҲАР БИР ИНСОН БИЛИШИ КЕРАК

ҲАЁТИМИЗ ХАВФЛИ ЖАРАЁНЛАРДАН КАФОЛАТЛАНМАГАН. ШУ БОИС ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИНИ ОЛДИНДАН КЎРИБ ҚЎЙИШИМИЗ, ҲУШЁРЛИКНИ ОШИРИШИМИЗ МУҲИМДИР.

Айниқса, табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар (зилзила, сел, сув тошқини, кўчки)нинг содир бўлиши инсон омилли билан боғлиқ бўлмаганлиги учун ҳам уларнинг асоратларини бартараф этишга доимо тайёр туришимиз лозим. Ҳар бир инсон фавқулодда вазият тури ҳақида ўз вақтида керакли маълумотга эга бўлиб, бундай ҳолатларда тўғри ҳаракат қилиши билса, зарурий ҳимоя воситалари билан таъминланган ва улардан тўғри фойдаланишдан хабардор бўлса; талафотларнинг олдини олиш, ноҳуш ҳодисалар сонини камайтиришга эришиш мумкин.

Бу ҳақда ҳукуматимиз томонидан тегишли қонунлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, фавқулодда вазиятлар талафотларини камайтириш ва уларни бартараф этиш мақсадларига йўналтирилган «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 18-моддасида «Аҳолини ва мутахассисларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш белгиланган. Яъни умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юр்தларида фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш умумий ва мажбурийдир.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича давлат тизими раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш ўрта махсус хунар таълими муассасалари, олий ўқув юр்தлари ва иш жойларида амалга оши-

рилади».

Мазкур йўналишда яқинда Тошкент Давлат авиация институтида махсус тактик ўқув машқи ўтказилди. Ўқув машқи шартига кўра, Тошкент Давлат авиация институтининг биносидан 6-7 балли «зилзила» рўй берган. «Зилзила» оқибатида 2-ўқув корпусининг кириш-чиқиш эшиклари беркилиб қолган. Шикастланган бино ичкарасида ўқитувчи ва талабалар «жароҳатланган» ҳолда мададга муҳтож. Вайроналар орасидан жабранланганларни қидириб топиш, тез тиббий ёрдам кўрсатилиб, хавфсиз жойга кўчириш керак. Бинонинг баланд қаватларидан «жароҳатланган»ларни махсус кутқарув асбоб-анжомлари ёрдамида пастга олиб туширилиши керак.

Ушбу вазифаларни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Авария-кўтарув отряди кўтарувчилари ва Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидаги «050» «Кўтарув хизмати»нинг кўтарувчилари моҳирона бажардилар. Кўтарувчилар томонидан авария, ҳалокат, табиий офатлар, террорчилик ҳаракатларидан муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, оқибатларини бартараф этиш, террористик-кўпорувчилик ҳолатлари содир этилганда ёки кимёвий-бактериологик моддалар борлиги аниқланганда аҳолини хавфсиз ҳудудга ўтказиш каби машқлар кўрсатилди.

Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Авария-кўтарув отрядининг кўтарувчилари билан бирга «Сувда кўтарув гуруҳи», Радиацион-кимёвий (бактериологик) биологик муҳофаза гуруҳи, «Кўтарув хизмати»нинг кўтарувчилари ўзларининг кўтарув асбоб-анжомлари ва махсус техникалари кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Институт раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган махсус-тактик ўқув машқи ҳар томонлама фойдали бўлди.

Тошкент шаҳар ФВБ Матбуот гуруҳи

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

1-РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

2007-2008 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентларни ўқишга қабул қилади:

- 1.Хамширалик иши
2.Акушерлик иши
3.Фармация

АБИТУРИЕНТЛАРДАН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ:

- 1.Директор номига ариза
2.Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси
3.086/У шаклидаги тиббий маълумотнома
4. 3х4 ҳажмдаги фотосурат (6 та)
5.Турар жойидан маълумотнома.
6.Фуқаролик паспорти ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси.

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

—Амалиёт ишлари бўйича директор муовини лавозимига Қуйидаги фанлардан малакали ўқитувчиларни танловда қатнашиш учун таклиф қилади:

Умумтаълим фанлар бўйича: —жисмоний тарбия, рус тили, информатика, биология, кимё, физика, хорижий тил.

Махсус фанлар бўйича: —жарроҳлик, асаб ва руҳий касалликлар, тери ва таносил касалликлари, физиотерапия ва медицина реабилитацияси, қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари, юқумли касалликлар, акушерлик ва гинекология.

МАНЗИЛИМИЗ: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Мавзе «Е».

Мўлжал: «Ҳамза» метроси бекати. Маълумот учун телефонлар: 367-85-94; 367-22-13.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2884 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6